

International scientific and practical online conference

INTEGRATION INTO THE WORLD AND CONNECTION OF SCIENCES

Международная научно практическая online-конференция

ИНТЕГРАЦИЯ В МИР И СВЯЗЬ НАУК

Beynəlxalq elmi və praktik internet konfransi

DÜNYAYA İNTEQRASIYA VƏ ELMLƏR ARASI ƏLAQƏ

2022

 Baku, Azerbaijan Republic



Conference proceedings available
at virtualconference.press

ИССИҚ ИҚЛИМ ШАРОИТИДАГИ СИНФХОНАЛАРИНИНГ ИЧКИ

МУҲИТИНИ ГИГИЕНИК ТАҲЛИЛИ

НИЗОМ ЭРМАТОВ, НОДИРБЕК ЮСУФОВ

Тошкент Тиббиёт академияси

Резюме. Йилнинг иссиқ иқлимида мактаб ўқувчиларига мактаб ичи омиллари микроиқлим ва физик омиллар таъсирини гигиеник таҳлил қилишда Сирдарё вилояти Гулистон туманидаги 2-мактабда тадқиқотлар олиб борилди. Бошланғич синфхоналарининг микроиқлим кўрсаткичлари Тиббиёт академияси ва Корея университети ҳамкорлигидаги илмий марказ лаборатория ускуналарида ҳавонинг таркиби, чангнинг миқдори, ҳаводаги карбонад ангидрид, формальдегид миқдори баҳоланди. Олинган маълумотлар статистик таҳлил қилинди ва СанПиН №0341-16 «Санитарно-эпидемиологические требования к условиям и организации обучения в общеобразовательных школах» меъёрий кўрсаткичлари билан солиштирилди. Ҳаво ҳарорати меъеридан 8-10 градусга юқорилиги, ҳавонинг чангланганлик даражаси ПМ-2,5 бўйича ўртача 24,8 мкг/м³ни, меъердан 1,6 мартага юқорилиги, ПМ-10 бўйича эса 2,79 мартага ортиқчалиги аниқланди, ҳавонинг таркибидаги корбанат ангрид миқдори 0,7%ни (1,0-1,5%), формальдигид миқдори 0,2 РРМни ташкил қилиб, меъерга мос келади.

Калит сўзлар. Мактаб ўқувчилари, касалланиш, саломатлик ҳолати, миикроклимат

Муаммонинг долзарблиги. Мактаб ўқувчиларининг саломатлик ҳолати сезиларли даражада мактаб ичи омиллари таъсирига боғлиқ бўлади. Ҳозирги кунда таълим муассасаларнинг ички муҳитини гигиеник баҳолаш мажмуаси ва “мактаб ичи ва даври касалликлари” деб номланган қатор патологиялар бўйича ўқувчиларни саломатлик ҳолатига таъсир этувчи хавф омилларини ўрганиш мазкур тадқиқотлар асосини ташкил этди. Синфхоналарида ёритилганлик даражаси 23,6% меъёрий кўрсаткичларга мос келмайди. Аниқланган муҳит омиллари болаларнинг саломатлик ҳолатига салбий таъсир кўрсатади. Ёритилишнинг меъерида эмаслиги биринчи синфнинг 13,2% ўқувчилари

орасида, 4-5 синф ўқувчиларининг—15,6%да, 15 ёшдаги ўқувчилар орасида эса—10,3%да кўриш ўткирлигининг бузилишлари аниқланган (). Аниқланган ноҳуш муҳит омиллари ва ўқувчиларни саломатлик кўрсаткичларини пасайиш даражаси уларни зудлик билан бартараф этишни, мактаб ўқувчиларини соғломлаштиришни қайта кўриб чиқиш, гигиеник тиббий назорат асосида янги саломатликни сақловчи технологияларни жорий этишни талаб этади (Полякова А.Н., 2013.). 2005 йилда Ж.Раднаабазар томонидан аниқланган кўрсаткичлар шунини кўрсатадики, касалликлар орасида ҳар 1000 нафар болага кўз нуқсонларининг учраши 54,3ни, эшитиш ва нутқдаги нуқсонлар—17,6ни, асаб тизим касалликлари—5,5ни, ва бошқа патологиялар—8,9ни ташкил қилган (Ж.Раднаабазар, 2005). Мактаб ўқувчиларининг саломатлигини муҳофаза қилиш масаларида тадқиқотчиларнинг диққат эътибори, организмни у ёки бу касалликка учрашини сезиларли даражада оширувчи ҳавф омилларини аниқлашга қаратилмоқда. Болалар кун давомидаги вақтининг катта қисмини таълим муассасасаларида ўтказиш, шу сабабли таълим муҳитини реабилитацион-соғломлаштирувчи ҳамда оқартув муассасасига айлантириш зарурияти юзага келади.

Ишнинг мақсади. Иссиқ иқлим шароитидаги мактаб ўқувчиларига мактаб ичи омиллари микроиқлим ва физик омилларни гигиеник таҳлил қилишдан иборат.

Тадқиқотнинг материал ва усуллари. Тадқиқот ишлари Сирдарё вилояти Гулистон туманидаги 2-умумтаълим мактабида олиб борилди. Бошланғич синфхоналарининг микроиқлим омиллари ва физик омилларини ўлчов ишлари Тошкент тиббиёт академияси ва Корея университети ҳамкорлигидаги илмий марказ лаборатория ускуналари ёрдамида баҳоланади. Синфхоналари ҳавосидаги GT-331 асбоби ёрдамида ҳавода чангнинг миқдори, ҳаводаги карбонад ангидрид миқдорини Термо-гигроСО₂метрда, атмосфера ҳавосидаги формальдегид даражасини аниқлашда РРМ Формальдиметр ёрдамида баҳоланди.

Олинган маълумотлар статистик таҳлил қилинди ва СанПиН №0341–16 «Санитарно-эпидемиологические требования к условиям и организации обучения в общеобразовательных школах» меъерий кўрсаткичлари билан солиштирилди.

Олинган натижаларнинг таҳлили. Гулистон туманидаги 2– умумтаълим мактаби бошланғич синфхонларида ёз–куз мавсумида ҳаво ҳарорати меъеридан 8–10 градусга юқорилиги аниқланди. Ҳавонинг чангланганлик даражаси ПМ–2,5 бўйича ўртача 24,8 мкг/м³ни ташкил қилиб (меъёрда 15 мкг/м³) 1,6 мартага юқорилиги кўрсатган бўлса, ПМ–10 бўйича баҳоланганда ўртача 139,6 мкг/м³ ни ташкил қилди (меъёрда 50 мкг/м³) ни ташкил қилди, яъни, 2,79 мартага ортиқчалигини кўрсатиб турибди. Ҳавонинг таркибидаги карбонат ангидрид миқдори 0,7%ни (1,0–1,5%), формальдегид миқдори 0,2 ни ташкил қилиб, меъёрга мос келади.

Олинган натижалардан кўриниб турибдики, синфхоналарида ҳавонинг ҳароратини пасайтириш ва меъёрга тенглаштириш, чанг миқдорини камайитириш ва унинг оқибатида юзага келадиган бактериал ифлосланишни олдини олишга қаратилган санитар-гигиеник ва профилактик ишларни амалга ошириш зарур.

Мактаб ўқувчилари орасида профилактик ишлар ташкиллаштирилмаса ўқувчилари орасида турли соматик касалликларнинг сони кескин ортиши кузатилади, уларнинг саломатлик ҳолатида қатор ўзгаришлар юзага келиши мумкин.

Хулоса қилиб шуни таъкидлашимиз жоизки, мактаб синфхонларида шаммолателиши ва нам тозалаш ишларнинг амалга оширилмаганлиги, ҳароратнинг ортиши, намликнинг камайиши ёки кўтарлиши, чанг миқдорининг ортиши, нафақат уларнинг ишлаш қобилиятини пасайиши, балким, турли нафас олиш тизими касалликларининг ривожланишига шароит яратади. Бу борада текшириш ишлари давом эттирилмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Пономарева Л.А. Формирование основ здорового образа жизни в общеобразовательных школах // Проблемы биологии и медицины. 2005, № 3. – С. 134–136.

2. Семенищенкова Т.А. Гигиенические аспекты формирования преневротических отклонений у старших школьников // Гиг. и сан. 2003, № 4. – С. 34–37.

3. Сетко Н.П. Полупансион – современная модель формирования здоровьесберегающей среды младших школьников // Гиг. и сан. 2006, № 6. – С. 45-46.

4. Ermatov N.J., Sagdullaeva B.O. Influence of physical training on morbidity rate of students of Tashkent city // International journal of applied and fundamental research / Republica CRNA Gora, 2011, № 6. – P. 4–6.

5. Эрматов Н.Ж. Гигиенические основы физического совершенствования детей и подростков. Монография. Ташкент, 2021. – 214 С.

Contents

BIOLOGY

Қурбонова Мехриой Зафарбек қизи - AEGILOPS L. туркум вакилларининг дицеминасия жараёни.....3

CULTUROLOGY

С.С. Абдукаххоров, К.Н. Пулатова - Взаимодействие физической и тактической подготовки изучение зависимости.....8

С.С. Абдукаххоров, К.Н. Пулатова - Движение команды в классификации и оборонительная тактика игры центрального защитника.....13

MEDICINE

Зиядуллаева Н.С. - Особенности остеорепарации при замещении костного дефекта Биоактивным стеклом в сочетании с антибиотиком.....18

Низом Эрматов, Кууат Джолимбетов: Умумтаълим мактабларда меҳнат таълим дарсларини ташкиллаштиришга қўйиладиган гигиеник талаблар.....21

Низом Эрматов, Шохрух Хабибов, Жамшид Қутлиев: Юрак-қон томир тизими касалликлари билан хасталанган беморларнинг овқатланиш рационидаги мева-сабзавотларнинг озукавий қийматини баҳолаш.....25

Nizom J. Ermatov¹, Feruza L. Azizova², Jamshid A. Kutliev³: Hygienic assessment of the quantity of bread in the diet of military athletes.....29

Низом Эрматов, Хайрулло Мамризаев: Фарғона вилоятида аҳолининг умр кўриш давомийлиги атроф-муҳит омилларининг таъсирини гигиеник баҳолаш.....32

Низом Эрматов, Нодирбек Юсуфов: Иссиқ иқлим шароитидаги синфхоналарнинг ички муҳитини гигиеник таҳлили.....36

Ortikov Bobomurod Baymamatovich: Hygienic analysis of the anthropometric indicators of the covid-19 patients.....40

PHILOLOGY

Қамола Аскарова Саидикрамова – Сулаймон Бокмўғоний девони қўлёзма нусхаларининг матн хусусиятлари.....43

TECHNOLOGY

Сайфуллаева М.И. – Цифровизация современной системы высшего образования.....49